Ўзбекистон Республикаси
Халқ депутатлари
Бухоро тумани Кенгаши
ҚАРОРИ

O'zbekiston Respublikasi
Xalq deputatlari
Buxoro tumani Kengashi
QARORI

2019 йил 17 декабрь | Галаосиё шаҳри | №200/64-V

Бухоро вилояти Бухоро туманининг 2020 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Қонунига (Кейинги ўринларда Қонун деб аталади) мувофиқ, 2020 йилдан бошлаб Халқ депутатлари Кенгашларини маҳаллий бюджетларни бошқаришда эркинликлар берилиб, маҳаллий бюджет харажатларини ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар кесимида тасдиқлаш ва уларнинг Кенгаш олдидаги ҳисобдорлигини белгилаш бўйича ваколатлари кенгайтирилди.

Мазкур Қонуннинг 18-моддасига ҳамда 2020 йил учун Бухоро тумани бюджетини қабул қилиш бўйича Бухоро вилояти Халқ депутатлари Бухоро тумани Кенгаши (Кейинги ўринларда Кенгаш деб аталади)

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Бухоро вилояти Халқ депутатлари Кенгашининг 2019 йил 16 декабрдаги "Бухоро вилояти 2020 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида"ги 300/63-V-сонли қарорига асосан Бухоро тумани (Кейинги ўринларда - туман деб аталади) бюджетига Бухоро вилояти бюджетидан ажратилган:

тартибга солувчи бюджетлараро трансферт 24391,5 млн.сўм миқдорида тасдиқланганлиги;

туман бюджетининг айланма касса маблағи 1052,0 млн.сўм миқдорда белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қонунга асосан 2020 йилда :

а) Қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар вилоят бюджети ҳамда шаҳар ва туманлар бюджетлари ўртасида тақсимланади:

юридик шахслардан олинадиган мулк солиғи;

юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;

бензин, дизель ёқилғиси ва газнинг чакана сотиш учун акциз солиғи;

айрим товарларнинг чакана савдосига бериладиган ҳуқуқ учун ундириладиган йиғимлар;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқдан мустасно;

қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона йиғимларидан ташқари);

автотранспорт воситаларини харид қилганлик учун уларни ички ишлар органларида рўйхатдан ўтказиш чоғида автотранспорт эгалари (фойдаланувчилари) томонидан тўланадиган йиғим;

б) Вилоятнинг вилоят бюджетига қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар тўлиғича ўтказилади:

қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундириладиган жарималар;

қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда давлат божлари (патент божи ва лицензия берганлик учун давлат божларидан ташқари);

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат бюджети даромадига ўтказиладиган мол-мулк, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг улуши бўйича ажратмалар ва дивидендлар;

қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда давлат активларини ижарага бериш ва хусусийлаштиришдан тушадиган даромадлар;

Агар қонун ҳужжатларида маҳаллий бюджетларга тушадиган даромадларнинг тақсимланиши назарда тутилмаган бўлса, бу турдаги даромадлар Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига йўналтирилади.

Шу билан бирга, Қонунга мувофиқ жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг (жисмоний шахсларнинг мол-мулкини ижарага беришдан оладиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан тўланадиган ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғидан ташқари) ҳамда юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг (рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан тасдиқланадиган алоҳида йирик солиқ тўловчилардан ва Ўзбекистон Республикасида доимий фаолият олиб борувчи муассаса орқали фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари, шунингдек норезидентларнинг тўлов манбаида ушлаб қолинадиган даромадларидан ташқари) 100 фоизи вилоят бюджетига ўтказилиши маълумот учун қабул қилинсин.

в) мобил алоқа хизматлари учун акциз солиғи ва алкоголь махсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғидан тушумлар 2019 йил 1 июль ҳолатига кўра туман ва шаҳар аҳолисининг вилоят аҳолисидаги улушига мувофиқ ўтказиб берилади.

г) Қуйидаги солиқ турлари шаҳар ва туманлар бюджетига тўлиқлигича ўтказиб берилади:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

жисмоний шахсларнинг мол-мулкини ижарага беришдан оладиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан тўланадиган ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғи;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқдан мустасно;

алоҳида норуда қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ, бундан цемент ва оҳактош мустасно;

айланма маблағдан олинадиган солиқ.

3. Қонунга асосан Вилоят маҳаллий бюджетларининг харажатлар тизимида қуйидаги ўзгартиришлар киритилди ҳамда молиялаштириш тартиби қуйидагича белгиланди:

а) туман ва шаҳарлардан молиялаштирилувчи умумтаълим мактаблари ҳамда мактабгача таълим муассасаларининг биринчи ва иккинчи гуруҳ харажатлари республика бюджетидан, тўртинчи гуруҳ харажатлари тегишинча туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан молиялаштирилади;

б) Вилоятнинг вилоят бюджетидан:

Вилоят ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ҳузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаси;

иссиқлик энергиясини ишлаб чиқарувчиларга аҳолига берилган иссиқлик таъминоти хизмати учун пасайтирилган тарифларни қўллаш натижасида юзага келадиган зарарларнинг ўрнини қоплаш бўйича харажатлар;

умум фойдаланишдаги автомобил йўлларини эксплуатация қилиш харажатлари;

давлат органлари ёки ушбу органлар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида фуқаролар ёки юридик шахсларга етказилган зарарни қоплаш;

в) туманлар ва шаҳарлар бюджетидан:

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тайинланадиган ижтимоий нафақалар;

давлат санитария-эпидемиология назорати туман ва шаҳар марказларини сақлаш харажатлари молиялаштирилади.

4. 2020 йил учун туман бюджети даромадлар прогноз кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

5. Туман бюджетидан 2020 йилги ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. 2020 йил учун туман бюджети захира жамғармаси ҳажми **1145,1 млн. сўм** миқдорида белгилансин.

7. Туман бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин. Бунда, ажратма меъёрлари бўйича вилоят маҳаллий бюджети билан туман маҳаллий бюджетининг тақсимотини ўрнатилган тартибда туман ғазначилик бўлинмаси томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

8. Туман ҳокимлиги захира жамғармаси маблағларини туман бюджетида кўзда тутилмаган, кечиктириб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий беқарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилиши таъминлансин.

9. Туман ҳокимлиги, туман молия бўлими:

ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар томонидан тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат ва дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда, шакллантирилишини назоратга олсин;

ҳар чорак якуни билан кейинги чорак биринчи ойининг 25-санасига қадар расмий веб-сайтларга ўз тасарруфидаги бюджет ташкилотлари кесимида молиявий ҳисоботларни ҳамда бошқа тегишли маълумотларни жойлаштирсин;

маҳаллий бюджетларнинг қўшимча даромадларини 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорларда жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтиришни таъминласин, веб-сайтларига уларнинг натижаларини жойлаштирсин.

10. Туман ҳокимлиги, чораклар якуни бўйича даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари ҳокимликнинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, вилоят ҳокимлигига тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш ёки харажатларни мақбуллаштириш таклифларини киритади.

11. Туман ҳокимлиги Қонуннинг 24-моддасига асосан тегишли равишда ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчиларнинг бюджет маблағларидан самарали фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалар бўйича ҳисоботларини

Кенгашга киритилишини таъминласин.

12. Туман ҳокимлиги бюджет даромадлари ва харажатларининг кўрсаткичларини бажарилишини таъминлаш, солиқ базасини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши устидан қатъий назоратни ўрнатиши учун туман Кенгашига доимий равишда маълумот киритиб борсин.

13. Туман ҳокимлиги Қонунда белгиланган айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

14. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси ва туман ҳокимлиги зиммасига юклатилсин.

Сессия раиси: **Р.Набиев**

Халқ депутатлари
Бухоро тумани Кенгашининг
2019 йил «17» декабрдаги
100/6-11-сонли қарорига
1-илова

Бухоро тумани маҳаллий бюджетининг даромадлари бўйича 2020 йилдаги асосий прогноз кўрсаткичлари

минг сўмда

Т/Р	Даромад турлари	Жами
1	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	0,0
2	Ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	11 811 000,0
3	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	0,0
4	Қўшилган қиймат солиғи	0,0
5	Акциз солиғи, жами	3 713 515,0
	шу жумладан:	
	- бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ	*3 713 515,0*
6	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	1 261 855,0
7	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	5 316 000,0
8	Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғи	2 039 000,0
9	Юридик шахслар ер солиғи	4 661 815,0
10	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	6 631 000,0
11	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ (норуда материаллари)	180 000,0
12	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	134 000,0
13	Давлат божи	0,0
14	Жарималар	0,0
15	Ижара тўлови	36 000,0
16	Давлат ташкилотларининг соф фойдасидан даромад	0,0
17	Йиғимлар	4 122 000,0
Даромадлар жами		**39 906 185,0**
17	Вилоят бюджетидан ажратиладиган трансфертлар	24 391 516,0
18	Ўтказиб бериладиган даромадлар	13 189 845,0
Даромадлар ҳаммаси		**77 487 546,0**

Халқ депутатлари
Бухоро тумани Кенгашининг
2019 йил «17» декабрь даги
20/64-V -сонли қарорига
2-илова

2020 йил учун Бухоро вилояти бюджетидан ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган парламент ажратмаларининг чекланган миқдорлари

№	Кўрсаткичлар	Миқдори (минг сўмда)
Бухоро туман бўйича харажатлари миқдори, Жами		**77 487 546,0**
1	Мактабгача таълим бўлими	**7 905 006,0**
2	Халқ таълими бўлими	**3 764 672,0**
3	Тиббиёт бирлашмаси	**36 651 769,0**
4	Маданият бўлими	**2 683 105,0**
5	Жисмоний тарбия ва спорт бўлими	**68 599,0**
6	Бандлик ва меҳнат муносабатлари бўлими	**524 393,0**
7	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими	**646 823,0**
8	Ирригация бўлими	**938 236,0**
9	Қишлоқ хўжалиги бўлими	**461 741,0**
10	Туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши	**442 154,0**
11	Ободонлаштириш бошқармаси	**9 511 490,0**
12	Молия бўлими	**4 574 029,0**
13	Пенсия жамғармасининг худудий бўлими	**0,0**
14	Туман ҳокимлиги	**9 315 529,0**

Халқ депутатлари
Бухоро тумани Кенгашининг
2019 йил «17» декабрь даги
_____-сонли қарорига
3-илова

Умумдавлат солиқларидан туман маҳаллий бюджетига ажратмалар меъёри

№	Солиқлар номи	Ажратма меъёри
1	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	0
2	Ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	100
3	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	0
4	Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган қатъий белгиланган даромад солиғи	100
5	Акциз солиғи: - бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ	100
6	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	100
7	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	100
8	Юридик шахслар ер солиғи	100
9	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	100
10	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ (норуда материаллари)	100
11	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	100
12	Давлат божи	0
13	Жарималар	0
14	Йиғимлар	100
15	Давлат унитар корхоналарининг соф фойдасидан ажратма	0
16	Ижара тўлови	100